

ЎЗБЕКИСТОНДА ИНКЛЮЗИВ МЕҲНАТ БОЗОРИ ИСТИҚБОЛЛАРИ:

НОГИРОНЛИГИ БЎЛГАН ШАХСЛАР ЖАМИЯТЛАРИ

ТАСАРРУФИДАГИ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ

ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Махмудов Т. А.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация:

Мақолада республикадаги 150 дан зиёд ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналар ўрганилган. Ушбу корхоналарнинг аҳволи, мавжуд имкониятлардан қанчалик фойдаланилаётганлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидоргирлиги, яратилган шарт-шароитлар каби масалалар чуқур таҳлил қилинган.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилаш, бино ва иншоотлар ҳамда асбоб-ускуналарни такомиллаштириш ёки янгилаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорларини қўпайтириш, ногиронлар учун янги иш ўринларини яратиш ҳамда уларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари, ногиронлар, корхоналар, ишлаб чиқариш, ўқув ишлаб чиқариш корхонаси, кўзи ожизлар жамияти, иш ўринлари.

PROSPECTS FOR AN INCLUSIVE LABOR MARKET IN UZBEKISTAN: OPPORTUNITY TO IMPROVE THE ACTIVITIES OF ENTERPRISES UNDER THE SOCIETIES OF PERSONS WITH DISABILITIES

Makhmudov T.A.

Tashkent State University of Economics

Annotation:

This article studies the enterprises of the societies of individuals with 156 disabilities. Thoroughly analyzed issues such as the state of these enterprises, the existing opportunities, and the demands of products, and the created conditions. Proposals have been developed in the following areas: Improving the financial situation of enterprises under the societies of persons with disabilities, improving

buildings and structures and equipment, increasing production capacity, increasing the buyers of products, creating new jobs for the disabled and improving their working conditions.

Keywords: Persons with disabilities, people with disabilities, enterprises, production, training enterprise, blind manpoints, jobs.

1.Кириш

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий, техник ва технологик ҳолатини таҳлил қилиш, уларни модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг аниқ манбаларини белгилаш орқали ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилаш мақсадида республика бўйичамавжуд 150 дан зиёд шундай корхоналарда ўтказилган ўрганишлар натижаларига кўра 2022 йил январ ҳолатига ушбу корхоналарда жами 1606 та ходимлар ишламоқда, бунда ногиронлар 1204 нафарни ташкил қилмоқда. Вилоятлар кесимида кўрадиган бўлсак, сони жиҳатидан энг кўп корхоналар Фарғона, Наманган ва Тошкент шаҳрига тўғри келмоқда. Фарғона вилоятида 34 та корхонада жами 147 нафар ходим, шу жумладан 82 нафар ногирон ишлайди. Наманган вилоятида 24 та корхонада жами 243 нафар ходим, шу жумладан 131 нафар ногиронлар ишлайди. Тошкент шаҳридада 19 та корхонада жами 190 нафар ходим, шу жумладан 122 нафар ногиронлар ишлайди. Навоий, Сирдарё, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида эса бор йўғи 2-3 тадан шундай корхона фаолият юритиб келмоқда.

2.Адабиётларшархи

Россиялик олимлар томонидан ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар учун иш ўринларини захирага қўйишибўллари, иш берувчилар мажбуриятларини бажаришда юзага келаётган муаммолар ўрганилган ва қонунчилик бўйича бир қанча таклифлар яратилган.

Рус олими Арбуз (2018) томонидан ногиронлиги бўлган шахсларни доимий иш ўринлари билан таъминлашга қўмаклашиш ҳамда ногиронларни иш билан таъминлашдаги янгичайўналишлар ўрганилган. Тадқиқотда саноатлаштириш шароитида ногиронларни иш билан таъминлаш жараёни ўрганилади, меҳнатга лаёқатсиз ёщдаги ногиронларни иш билан таъминлашга қўмаклашиш

соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этаётган иш берувчиларнинг мотивлари аниқланган.

Филатов ҳамда Дронишинец (2005) томонидан Японияда ногирон шахсларни иш билан таъминлашнинг ҳозирги тенденциялари ўрганилган. Ногиронлиги боршахсларни ҳаёти ва меҳнатини тартибга солувчи Япония қонунчилиги ўрганилган. Шунингдек, руҳий носоғлом ногиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигига кўмаклашиш маслалари таҳлил қилинган.

Тринадцатко (2021) томонидан Covid-19 пандемиядан аввалги ҳамда пандемия давридаги Россия давлатида ногиронлар бандлиги аҳволи таҳлил қилинган. Олимнинг таъкидлашича, ногиронлик ижтимоий ҳодиса сифатида жамият томонидан ўз фуқароларига нисбатан шакланган жисмоний ва ижтимоий тўсиқларнинг оқибати бўлиб, улар жамиятда қабул қилинган оддий инсон меъёрларига мос келмайди. Ногиронлиги бўлган шахс-ларнинг меҳнатга жалб этилишига кўмаклашиш, уларнинг муваффақиятли ижтимоий мос-лашуви ва интеграциялашуви шарти сифатида давлат ижтимоий сиёсатининг устувор йўна-лишларидан бири ҳисобланиши таъкидланади.

Радченко (2021) ўз ишида таъкидлашича, хукumat томонидан ногиронлиги бўлган шахслар тўғрисидаги маълумотлар портали доимий янгиланиб, улар ҳақидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги таъминланиб борилмоғи лозим. Шундагина ушбу қатламни иш билан таъминлаш шаффоғлигига эришиш мумкин.

Британиялик олим Сайнсбери (2017) ногиронлиги бўлган шахс лар бандлигини таъминлаш масалаларини 8 гурухдан иборат муаммолар ечимида таклиф этган. Булар иқтисодиёт, ногиронлиги мавжуд шахлар билан ишловчи ходимлар, муносабат, қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари, миллий сиёсатнинг роли, тажриба, имкониятлар манзилининг тақчиллиги, технологиялар.

Австралиялик Г.Талепорос (2018) томонидан ўз илмий иши орқали ногиронлиги мавжуд шахслар учун иш ўринлари ташкил этган корхоналарга моддий компенсация тўлаш таклифи киритилган ҳамда бугунги кунда “Employment Assistance Fund” томонидан бу амалиёт қўлланиб келинмоқда.

Бу йўналишда ўзбек олимларининг ҳам баъзи илмий ишларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Жумладан, и.ф.д., профессор Б.Умурзаков ногиронлиги бўлган шахсларни кафолатланган ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларини ўргангандай. Ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси ҳамда пенсия таъминотини такомиллаштириш йўналишларида таҳлилларини олиб борган.



3. Тадқиқот методологияси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тузилган бир қатор вазирликларнинг тегишли мутахассисларидан иборат ишчи комиссияси томонидан республика бўйича мавжуд 156 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари ахволи, ишлаб чиқариш қувватлари ва фойдаланилмаётган имкониятлари атрофлича ўрганиб чиқилган.

Тадқиқоқтдан қуйидаги мақсадлар белгиланган:

- юқоридаги ўрганишлар материаллари асосида ушбу мақола ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларини соғломлашириш;
- ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш ҳамда мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;
- ушбу йўналишда дастурлар ва чора-тадбирлар ишлаб чиқишида таклифлар тайёрлаш.

4. Таҳлил ва натижалар мухокамаси

Ўрганиш ва таҳлиллар натижаларига кўра республикада мавжуд 156 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларида қуйидаги асосий камчиликлар мавжуд:

- ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг деярли барчаси мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланмаяпти, катта-катта бино-иншотлар, ер майдонлари ва бошқа ресурсларнинг 10-15 фоизидангина фойдаланилмоқда;
- бино ва иншоотлар эскириб кетган ва таъмирталаб;
- ишлаб чиқариш ускуналари ва дастгоҳлар замон талабларига жавоб бермайди, хизмат кўрсатиш муддатини ўтаб бўлган;
- ишлаб чиқариш ускуналари ва дастгоҳларнинг кўп қисми ишдан чиққан ҳамда уларни таъмирлашнинг имкони йўқ;
- ишлаб чиқаришда ишлатилаётган ускуна ва дастгоҳлар замон талабларига жавоб бермайди;
- деярли барча корхоналарда иссиқ сув, газ, совуқ сув, электр токи каби коммунал хизматларга тўловларни ўз вақтида амалга ошира олмаганликлари сабабли қарздорлик кўпайган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, йиллар давомида юқоридаги камчиликлар мавжуд бўлиб келган бўлса-да, буларни бартараф этиш учун ҳеч қайси мутасадди ташкилот ҳаракат қилмаган, корхоналарнинг ўзида эса бунинг учун етарлича маблағ ва бошқа воситалар йўқ.

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати таҳлил қилинганда қуидаги муаммолар кўзга ташланади:

- 1) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар давр талабларига жавоб бермайди;
- 2) йиғилаётган мебеллар урфдан қолган ёки 10 йиллар аввалги усулда тайёрланган;
- 3) тикувчилик ва текстил йўналишидаги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар жуда оддий ва содда;
- 4) маҳсулотларнинг ассортименти жуда кам;
- 5) ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозорбоп ва харидоргир эмас;
- 6) харидорлар сонини доимий ошириш ва маҳсулотларни бозордаги талабга қараб ишлаб чиқариштизими йўлга қўйилмаган.

Республика бўйича ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларида 402 нафар соғлом ва 1204 нафар ногирон ишламоқда. Ишчиларнинг савияси, билим даражаси ва ходимлар билан боғлиқ бошқа бир қатор масалалар ўрганиб чиқилди. Ўрганишлар натижасида қуидагилар маълум бўлди:


- ишчиларнинг малакаси талаб даражасида эмаслиги, асосан бир хил ва оддий ишларни бажараб келаётганликлари, замонавий билим ва кўникмаларга эга эмасликлари;
- ишчиларнинг дам олишлари ва овқатланишлари учун шарт-шаротларнинг деярли мавжуд эмаслиги;
- узоқдан қатнаб ишлайдиганлар учун қўшимча қулайликлар йўқлиги, мисол учун автобус қатнови, ётоқхона билан таъминлаш каби масалаларнинг ҳал этилмаганлиги.

Юқоридагилардан ташқари ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг фаолият турлари таҳлил қилинди. Унга кўра корхоналарни фаолият турига қараб қуидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

- 1.Бир турдаги фаолият билан шуғулланадиган корхоналар:
 - а)ишлаб чиқариш;
 - б) хизмат кўрсатиш;
 - в) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш.
- 2.Икки ва ундан ортиқ турдаги фаолият билан шуғулланадиган корхоналар:
 - а) ишлаб чиқариш;
 - б) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш.



1-расм. Бир турдаги фаолият билан шуғулланадиган ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг фаолият йўналишлари¹



2-расм. Икки ва ундан ортиқ фаолият тури билан шуғулланадиган ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг фаолият йўналишлари²

Ўрганишлар натижаларига биноан ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланадиган корхоналар салмоғи 90% дан юқорини ташкил қилмоқда. Юқоридаги диаграммадан бундай корхоналар сони республика бўйича 144 тани ташкил қилаётгандигини кўриш мумкин. Ушбу рақамнинг 87,5 % и, яъни 126 тасининг фаолияти айнан тикувчилик, текстил ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ корхоналар

¹Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

²Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.



эканлиги эътиборни жалб килади. Демак, мазкур корхоналарни соғломлаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқаётганда мазкур йўналишга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

**1-жадвал Фаолияти тикувчилик, текстил ва тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳамда пахтани қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган корхоналар сони тўғрисида ҳудудлар кесимида
МАЪЛУМОТ³**

1.	Қорақал-н Рес-си	6	8.	Сирдарё	3
2.	Андижон	15	9.	Сурхондарё	4
3.	Бухоро	5	10.	Тошкент вилояти	11
4.	Жиззах	9	11.	Фарғона	27
5.	Навоий	1	12.	Хоразм	3
6.	Наманган	8	13.	Қашқадарё	3
7.	Самарқанд	12	14.	Тошкент шаҳри	17
Жами					126

Бундай корхоналарга мисол қилиб Андижон шаҳридаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли “Гўзал юрт равнақи ўқув ишлаб чиқариш корхоналари” МЧЖ (пахтани қайта ишлаб матрас, бўз ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаради), Бухоро вилояти Шофиркон туманида “Шофиркон ўқув ишлаб чиқариш корхоналари” МЧЖ(тикув маҳсулотлари), Жиззах вилояти Ш.Рашидов туманидаги Ўзбекистон ногиронлар жамиятига қарашли “Навқирон Нуршод” шўъба корхонаси(тикув маҳсулотлари), Навоий вилояти Кармана туманидаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли “Кармана ўқув ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖ (пахтани қайта ишлаб матрас, бўз ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаради), Наманган шаҳридаги Ўзбекистон кўзи ожизлар жамиятига қарашли “Шербулоқ текстил ўқув ишлаб чиқариш корхоналари” МЧЖ (пахтани қайта ишлаб матрас, бўз ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқаради) ларни кўрсатиш мумкин.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Наманган ва Фарғона вилоятлари бошқа ҳудудларга қараганда корхоналар сони ва корхоналарнинг фаолият йўналишлари энг кўп бўлган ҳудудлар бўлиб қолмоқда. Наманган вилоятидаги мавжуд 24 та корхона 14 та тикувчилик, тўқувчилик,

³Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.



Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies

Hosted online from Moscow, Russia

Date: 11th March, 2024

ISSN: 2835-5733

Website: econferenceseries.com

мебелсозлик, асаларичилик, косибчилик, қурилиш-монтаж ишлари, паррандачилик, умумий овқатланиш, компьютер хизматлари, экологик хulosса бериш хизмати, чугун ишлаб чиқариш, қолипли нон ишлаб чиқариш, мактаб анжомлари ишлаб чиқариш(сумка, пенал), дарвоза ишлаб чиқариш йўналишларида фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, Фарғона вилоятидаги 26 та корхона 9 та -тикувчилик, тўқувчилик, қурилиш-монтаж ишлари, халқ табобати, саломатлик ўкув курслари, касаначилик, хунармандчилик ўкув курслари, қандолатчилик, деҳқончилик, йўналишларида фаолият кўрсатмоқда.

2-жадвал Бир турдаги фаолият билан шуғулланадиган ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг сони тўғрисиа худудлар кесимида

МАЪЛУМОТ⁴

Корхоналарнинг фаолият йўналиши	Коракал-и Рес-си	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жizzазх вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тонкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Кашкадарё вилояти	Тонкент шаҳри
Ишлаб чиқариш	6	15	5	9	1	14	12	3	2	11	28	3	2	18
Хизмат кўрсатиш	0	0	0	0	0	3	0	0	0	0	2	0	0	0
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш	0	0	0	1	0	0	0	0	0	0	1	0	0	0
Жами	6	15	5	10	1	17	12	3	2	11	31	3	2	18

3-жадвал Икки ва ундан ортиқ турдаги фаолият билан шуғулланадиган ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларининг сони тўғрисиа худудлар кесимида

МАЪЛУМОТ⁵

Корхоналарнинг фаолият йўналиши	Коракал-и Рес-си	Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жizzазх вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сирдарё вилояти	Сурхондарё вилояти	Тонкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Кашкадарё вилояти	Тонкент шаҳри
Ишлаб чиқариш	0	2	1	0	1	6	1	0	2	0	2	0	1	1
Хизмат кўрсатиш	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0	0
Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш	0	0	1	0	0	1	0	0	0	0	1	0	0	0
Жами	0	2	2	0	1	7	1	0	2	0	3	0	1	1

⁴Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тузилган ишчи гурӯҳи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

⁵Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига тузилган ишчи гурӯҳи томонидан ўтказилган ўрганиш натижалари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

Олиб борилган ўрганишлар ва таҳлилларга биноан республикада мавжуд 156 та ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларинимолиявий-иқтисодий, техник ва технологик ҳолатини яхшилаш, уларни модернизациялаш, ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилаш учун жами 237498,5 млн сўм маблағ талаб этилади. Шундан:

- 135147 млн. сўм –биноларни таъмирлаш ёки қуриш учун;
- 95139 млн. сўм- асбоб-ускуналар сотиб олиш учун;
- 7212,5 млн. сўм- газ, сув, электр, иш ҳақи, солиқ, кредит каби мавжуд қарздорликни қоплаш учун.

Бунинг натижасида республика бўйича ногиронлар учун қўшимча 9500-11000 та иш янги иш ўринлари яратилади. Масалан, Бухоро вилоятидаги Фиждувон тумани қўзи ожизлар жамияти тасарруфидаги “Фиждувон ўқув ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖ ни соғломлаштириш учун жами 10126 млн. сўм маблағ талаб этилади. Шундан 3000 млн. сўм бинони таъмирлаш, 7000 млн. сўм асбоб-ускуналар сотиб олиш ҳамда 126 млн. сўм қарздорликни қоплаш учун сарфланади. Шу каби Сурхондарё вилоятидаги Узун тумани қўзи ожизлар жамиятига қарашли “Фаровон истиқлол омад ўқув ишлаб чиқариш корхонаси” МЧЖ учун 1000 млн. сўм, Ўзбекистон ногиронлар асосиацияси Фаргона вилоят ҳудудий бўлими қошидаги “Набиллохон Маъмурахон Тўраевлар” унитар корхонаси учун 70 млн сўм маблағ талаб этилади.

5.Хулоса ва таклифлар

Ногиронлиги бўлган шахслар жамиятлари тасарруфидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий, техник ва технологик ҳолатини яхшилаш, уларни модернизациялаш, маҳаллий ва хорижий инвестицияларни жалб қилишининг аниқ манбаларини белгилаш орқали, шунингдек ногиронлар учун иш ўринларини кўпайтириш ҳамда уларнинг иш шароитларини яхшилаш учун қўйидагилар таклиф этилади:

- якка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғуланаётган ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларининг камида 70 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этган тадбиркорлик субъектларини (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқларда имтиёзлар бериш;



-ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли самарасиз фаолият кўрсатаётган, фаолиёт кўрсатмаётган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш ва уларнинг ўрнига бозор талабидан келиб чиқиб янги турдаги фаолият олиб борувчи корхоналарни ташкил этиш чораларини кўриш;

-ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналар ҳамда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган ходимларининг камидаги 50 фоизини ногиронлиги бўлган шахслар ташкил этган тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳар ойда маълум миқдордаги фойдаланиладиган электр энергияси ва табиий газ тўловлари учун субсидиялар ажратиш;

-ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналари учун зарур бўлган хом-ашёларни квоталар асосида биржа танловларисиз, давлат преискурант нархларда тўғридан-тўғри шартномалар орқали сотиш;

-тадбиркорлик субъектларига (бюджет ташкилотлари, давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган юридик шахслар бундан мустасно) давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ижтимоий корхона ташкил этганда камидаги 50 та иш ўрни яратиб ушбу иш ўринларининг камидаги эллик фоизига ногиронлиги бўлган шахсларни ишга олиш шарти билан ижтимоий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун маълум миқдорда субсидия бериш;

-тегишли вазирлик ва идоралар томонидан сотиб олинадиган йиллик тўқимачилик саноатига оид маҳсулот ва товарларининг (жумладан, кўрпа, матрас, ёстиқ, чойшаблар тўплами, ишчилар ва ҳарбийлар учун маҳсус кийимлар, футболка, жемпер, носки, ички кийимлар, шапка, фуфайка, барча турдаги мебел жихозлари ва бошқалар) 30 фоизини тегишли худуддаги ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналардан сотиб олишнитавсия этиш;

-ногиронлиги бўлган шахслар жамиятларига қарашли корхоналарнинг буюртмаларига асосан худудлардаги “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-хунарга ўқитиш марказларида ногиронларни талаоб этиладиган касбларга бепул ўқитиб боришни ташкил этиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Қарор (2017) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 5 декабрдаги “Ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага



қўйиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 965-сон. / Resolution (2017) of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan dated December 5, 2017 "On measures to further improve the procedure for determining the minimum number of jobs and reservation for employment of persons in need of social protection, having difficulty finding employment and unable to compete on equal terms in the labor market" son.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 31 октябрдаги «Ягона миллий меҳнат тизими» идораларо дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4502-сон. / Resolution (2019) No. PP-4502 of the President of the Republic of Uzbekistan dated October 31, 2019 "On measures to introduce an interagency software and hardware complex" Single National Labor System".

Арбуз А.В. (2018) «Новые подходы к трудоустройству лиц с ограниченными возможностями здоровья». Журнал. Региональная экономика. / Arbuz A.V. (2018) “New Approaches to the Employment of Persons with Disabilities”. Magazine. Regional economy. Дронишинец Н. ва Филатова И. (2005) “Современные тенденции в трудоустройстве лиц с ограниченными возможностями в Японии” ГСНТИ. / Dronishinets N. va Filatova I. (2005) “Modern Trends in the Employment of Persons with Disabilities in Japan” GSNTI.

Низом (2019) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 31 майда 31-63-рақам билан рўйхатдан ўтказилган “Ўзбекистон Республикаси Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидия ва грантлар ажратиш тартиби тўғрисида”ги. / Regulation (2019) "On the procedure for allocating subsidies and grants from the State Fund for Employment Promotion of the Republic of Uzbekistan",

registered by the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan on May 31, 2019, No. 31-63.

Тринадцатко А.А. (2021) «Состояние занятости инвалидов в России в предпандемический и пандемический периоды // Социодинамика. № 3. С. 23 - 47. /

419 www.economyjournal.uz Thirnadtsatko A.A. (2021) “The state of employment of disabled people in Russia in the prepandemic and pandemic periods,” Sociodynamics. No. 3. P. 23 - 47.

Радченко О.Е., Зиновьевна В.И. Влияние социального знания на формирование толерантности в отношении инвалидов // Вестник Томского государственного университета. 2021. № 4(16). С. 141–143.Radchenko, O.E., Zinov'eva, V.I. (2021). Vliianie sotsial'nogo znaniia na formirovaniye tolerantnosti v otnoshenii invalidov (Impact of social knowledge on formation of tolerance towards people with disabilities). Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo universiteta (Tomsk State University Journal), No. 4(16), 141–143.

Sainsbury R. Labour market participation of persons with disabilities – how can Europe close the disability employment gap? // The Right to Work of Persons with Disabilities – International Perspectives University of Kassel, 8-10 March 2017. URL:http://www.the-right-to-work.com/files/2017/plenum/Tag2/Sainsbury09_03_2017_Kassel.pdf